

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 23 ноябрь, № 230 (5904) Шанба


Қуёш энергетикаси:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

**Кеча Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши бошланди.**



Унда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларининг қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислари ва экспертлари, шунингдек, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялари ва илмий тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил иштирок этмоқда.

Бу анжуман ривожланаётган мамлакатларда углеводород хом ашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланишнинг бугунги тенденциялари ва истиқболларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқаро ҳамжамият ва хорижлик экспертларни юртимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида нутқ сўзлади.

Маълумки, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар саноат тармоқларига "яшил иқтисодиёт" тизимини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан дунё жамоатчилиги эътиборини тортмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлган энергетика тизимини модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, энергия ҳосил қилишнинг муқобил манбаларидан кенгроқ фойдаланиш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самараси шундай дейишимизга асос бўла олади. Бунинг учун ўтган даврда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, жумладан, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги ва "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Пировардида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш суръатини ошириш, бу жараёнда ишлатиладиган табиий ресурслар сарфини камайтиришга эришиш баробарида, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш даражаси такомиллаштирилаётгани диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, бугун кундалик ҳаётимизни, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин кейинги йилларда унга бўлган эҳтиёж шунчалик ошиб кетдики, бу истеъмол ҳажми уни ишлаб чиқариш суръатидан ҳам ортишига олиб келди. Айни шу жиҳат эса эндиликда соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жорий этиш орқали уни янада тараққий эттириш билан бирга, табиий газ, нефть, кўмир каби ресурсларни тежашни ҳам тақозо қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу масаланинг тугал ечими бўла олмайди. Негаки, энергия ҳосил қилишда ишлатилаётган табиий бойликлар захираси чекланган бўлиб, қачондир унинг тугаши аллақачон исботланган. Яъни ҳисоб-китобларга қараганда, улар шундай суръатда ишлатилса, нефть захиралари 45-50 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир эса 150-160 йилга етар экан, холос. Ачинарли жиҳати, углеводород манбаларидан сурункали фойдаланиш оқибатида охирги йилларда сайёрамизда иқлим ўзгариши, озон қатламининг емирилиши каби глобал экологик муаммолар ҳам юзага келмоқда. Буларнинг барчаси дунё ҳамжамияти олдига қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни долзарб масала сифатида қўймоқда.

Гап шундаки, муқобил энергия манбалари анъанавийларига нисбатан битмас-туганмаслиги, арзонлиги, тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг қуёш, шамол, денгиз тўлқинлари, ер қаърининг геотермал, кичик гидроэнергетика, биомасса каби кўплаб турлари мавжудлиги шундан далолат беради. Ўзбекистонда эса, унинг табиий-географик жойлашувига кўра, айниқса, қуёш энергияси энг истиқболли ҳисобланади. Бу ерда 320 кун қуёшли бўлиши, яъни йиллик қуёш энергияси потенциали энергияга бўлган ички эҳтиёждан бир неча марта юқори эканлиги қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш учун улкан табиий имконият яратади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозир ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишда АҚШ, Германия, Италия, Испания, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Бразилия каби давлатлар етакчилик қилмоқда. Кейинги йилларда эса мазкур жабҳа Осиё минтақасида ҳам жадал тараққий этиб, ундан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Бу борада, хусусан, Ўзбекистонда салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳолда, шу асосда тайёрланган ишланмалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган, Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти бунинг яққол тасдиғидир. Негаки, ушбу жамоа тадқиқотларининг самаралари жаҳон миқёсида аллақачон эътироф этилган. Бу ерда иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст қувватли қурилмаларни яратиш, электр энергияси олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологиялари, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилмоқда. Унинг натижалари эса мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида қўлланилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон қуёш энергияси соҳасидаги илғор технологияларни Марказий Осиёда тажриба тариқасида жорий этишда амалий макон сифатида хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди.

Европа фотоэлектрик саноати ассоциацияси (EPIA) маълумотига қараганда, бутун дунёда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш суръати муттасил ўсиб бормоқда. Айтайлик, 2012 йилда жаҳон бўйича умумий қуввати 100 ГВтга тенг бўлган фотоэлектрик панеллар ўрнатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ўн ойи ичида 30 ГВтли шундай қурилмалардан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилди. Пировардида биргина Германияда фотоэлектрик станциядан олинган электр энергиясининг нархини 0.07 АҚШ долларигача камайтиришга эришилди.

Мамлакатимизда эса, таъбир жоиз бўлса, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Чунки ушбу ҳужжатга кўра, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, бунда муқобил манбалардан энергия ҳосил қилиш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзимизда тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фотоэлектрик панеллар тайёрлаш бўйича лойиҳалар имтиёзли кредитлар билан молиялаштирилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилингани эса соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Нега деганда, қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш учун юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, қуёш энергияси потенциалини илғор ва самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ушбу илмий даргоҳнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур институт фан ва саноат тармоқлари ўртасида кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Бошқача айтганда, Халқаро қуёш энергияси институти олимларимиз томонидан яратилган инновацион ишланмаларни, шунингдек, чет элнинг илғор ишланмаларини технологиялар трансфери орқали арзонлаштирган ҳолда бозорбоп саноат намунаси даражасига олиб чиқиб, унинг тўлиқ конструкциявий технологик ҳужжатларини тайёрлашда фаоллик кўрсатади. Шу маънода, у "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Давархитектқурилиш" қўмитаси ва иқтисодиётимизнинг бошқа соҳалари учун технологик майдон бўлиб хизмат қиладики, бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни




амалга оширишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Мутахассисларга аёнки, қуёш электр станциялари ва сув иситиш гелиоколлекторларини барпо этишда кремний, германий, галлий арсениди, кадмий-теллур, галлий фосфиди каби яримўтказгич материалларидан фойдаланилади. Бугунги кунда эса кремний асосида яратилган қурилмалар кенг қўлланилаётган бўлиб, улардан 25-30 йил, ҳатто 35-40 йил давомида фойдаланиш мумкин.

Ана шу ноёб саноат хом ашёси юртимиз заминида бисёр эканлиги, кейинги йилларда у саноат усулида ишлаб чиқарилаётганига, очиғи, бугун барчанинг ҳаваси келмоқда. Мисол учун, 2012 йилда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишга туширилган "Uz-Kor Silikon" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси йилига 12 минг тонна техник кремний ишлаб чиқариш қувватига эга. "Ангрен" махсус индустриал зонасида бунёд этилаётган яна бир корхона ишга туширилгач эса, бу ерда йилига 5 минг тонна шундай қимматбаҳо хом ашёни тайёрлаш ўзлаштирилади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда соҳага ихтисослаштирилган "Эко-Энергия", "Mir Solar", "Интеллект Диалог", "Чигатай инвест", "Solar Energy Products", "Solar Plus", "Hi-Tech Solar", "Nova Engineering" каби ўнлаб корхоналар фаолият юритаяпти. Уларда электр қуввати олиш учун кичик қуёш станциялари, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, қуритиш ускуналари тайёрланиб, юртимиз аҳолисига етказиб берилаяпти.

Форум иштирокчилари юқорида номлари тилга олинган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юқори эканлигини, хусусан, минтақа иқлимига мослаштирилганини алоҳида эътироф этдилар. Симпозиумлар саройида Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича яратилган замонавий технолок ускуналар ва қурилмалар, уларни амалиётга татбиқ этиш борасида эришилган ютуқларга бағишланган кўргазма билан танишдилар.


**(Давоми 3-бетда).**


ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

*Жорий йил 25-26 ноябрь кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.*

Тарихий ва маънавий илдизлар муштараклиги, маданият, урф-одат ва анъаналар, қардошлик алоқалари, тили ҳамда менталитетидаги яқинликлар боғлаб турадиган Ўзбекистон ва Туркманистон кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, икки халқнинг умумий манфаатлари асосида ўзларининг замонавий муносабатларини бунёд этмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг бундан олдинги расмий учрашуви 2012 йилнинг октябрида Ашхободда бўлиб ўтган эди. Мазкур учрашув чоғида томонлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишни тасдиқлаганлари ҳолда, эришилган келишувларни самарали амалга ошириш мақсадида давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада биргаликдаги саъй-ҳаракатлар механизмларини изчил ривожлантириш тамойилларига содиқ эканликларини қайд этдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларда янги кўтаринкилик кузатилаётгани баробарида, икки томонлама шерикликнинг ҳолати ўзининг ўсувчанлигини намоён қилмоқда.

Шак-шубҳа йўққи, икки мамлакат етакчилари ўртасидаги илиқлик ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар давлатларимизаро алоқаларнинг олдинга қараб интилувчан ва самарали тараққиётига кўмаклашаётган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Конструктивлик ва истиқболни мўлжаллаш, ҳар икки томонда мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ-равшан натижаларга эришиш мақсадини кўзлаш икки қўшни давлат мулоқотларининг ажралиб турадиган хусусиятлари бўлиб қолди.

Икки томонлама муносабатларнинг кенг кўламли кун тартиби жуғрофий, геосиёсий ва маданий-гуманитар омиллар, шунингдек, икки давлат иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдирувчанлиги ҳамда Ўзбекистон ва Туркманистон корхоналари ўртасидаги кооперацияга хос яқин алоқалар билан ўзаро боғланган.


**(Давоми 2-бетда).**


# «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОРМИЗ»

*Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилишида иштирок этиш мақсадида юртимизга кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик мутахассислар, олимлар ҳамда экспертлар ташриф буюрди. Мухбирларимиз улардан айримларининг фикрлари билан қизиқди.*

## СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Лазло ДЕМЕТЕР,**
**"Sonnenkraft GmbH" компанияси маслаҳатчиси (Венгрия):**

— Мамлакатингиз муқобил энергия манбаларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва илмий-амалий пойдеворга эга. Бунга мазкур йирик анжуман доирасида бизга тақдим этилган маълумотлар орқали ишонч ҳосил қилдик. Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлганимизда эса, у ердаги инфратузилма билан яқиндан танишиб, олимлар билан суҳбатлашдик. Айтиш мумкинки, мамлакатингизнинг ҳар томонлама қулай иқлими, айниқса, серқуёшлиги ноанъанавий энергия манбаларидан янада кенг фойдаланиш, соҳага истиқболли лойиҳаларни чуқур татбиқ этиш учун айни муддаодир. Мазкур минтақа, хусусан, Ўзбекистон шароитида қуёшли кун давомийлиги 10 соатга тенг эканлиги ҳам кўп нарсани англатади. Компаниямиз айнан ушбу тармоқни ривожлантиришга ихтисослаштирилган. Шу боис форум асносида соҳа вакиллари билан яқиндан тажриба алмашиш баробарида, мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Эри Прасетйо ВИБОВО,**
**Гуандарма университети Ахборот технологиялари бўйича докторлик лойиҳалари котибияти раҳбари, профессор (Индонезия):**

— Аввало, таассуротларим ҳақида икки оғиз сўз. Халқингиз ниҳоятда меҳмондўст ва самимий экан. Юртингиз табиати хусусида фикр юритиш кишига алоҳида завқ бағишлайди. Мусаффо ҳавоси, азим тоғлари, қиру адирлари ниҳоятда бетакрор. Мана шундай жаннатмонанд мамлакатда меҳмон бўлиб турганимдан, боз устига, йирик форумда иштирок этаётганимдан жуда бахтиёрман.


**(Давоми 4-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент ва Ашхобод минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон инқирозини ҳал этиш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик сингари хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларида ўхшаш қарашларга эга.

Ўзбекистон ва Туркманистон Ўрта Осиёдаги сув-энергетика муаммоси масалалари юзасидан уларнинг минтақа барча мамлакатлари манфаатлари ва розилиги ҳисобга олинган ҳолда, умуммиқёсда эътироф этилган меъёр ҳамда тамойиллар асосида кўриб чиқилишини назарда тутадиган муштарак нуқтаи назарларга таянади.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам кўламлари кенгдир. Ҳар икки мамлакатда нефть-газ жабҳаси юқори суръатлар билан ривожланмоқдаки, бу уларга табиий газ қазиб оладиган ва уни транспортда ташийдиган етакчи мамлакатларнинг сафидан жой олиш имконини бермоқда. Муҳим стратегик хом ашё экспорти йўналишини диверсификациялаш имконини берган "Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой" трансмиллий газ қувури қурилиши бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши бу соҳадаги самарадор меҳнатнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий кооперациянинг муҳим йўналишларидан яна биридир. Мамлакатларимизнинг ривожланган транспорт-коммуникация тизими учинчи мамлакатлар учун транзит ҳисобланади. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркманистонда транзит соҳасида улкан салоҳиятнинг мавжудлигидан далолат бергани баробарида, минтақалараро ва қитъалараро халқаро савдонинг ҳамда кенг кўламли сармоявий ҳамкорликнинг ривожланишида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда "Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Ўмон" янги халқаро транспорт-коммуникация йўлагини бунёд этиш бўйича Ашхободда имзоланган Битимнинг тарихий аҳамиятини қайд этиш жоиз. 2010 йил октябрь ойида Туркманистонга буюрган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мазкур йўлакни яратиш тўғрисидаги келишувга эришилган эди.

Самарали ва конструктив ҳамкорлик йиллари давомида икки давлатнинг барча соҳалардаги кўп қамровли ҳамкорлиги йўлидаги муносабатларини тартибга соладиган, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган 150 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

2011 йили Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукуматлараро битимнинг имзолангани минтақавий шерикликнинг ривожланишида жуда муҳим воқеа ва албатта, иқтисодий йўналишда икки мамлакат муваффақиятли ҳамкорлигининг яққол далили ҳамда ўзаро савдо-иқтисодий фаолиятни кенгайтириш учун кучли туртки бўлди.

Мамлакатимиздан Туркманистонга экспорт тизимини минерал ўғитлар, хизматлар, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, тош ҳамда гипсдан тайёрланган буюмлар, транспорт воситалари, механик ва электр ускуналари, қора ҳамда рангли металлар ва улардан тайёрланган товарлар, қурилиш материаллари, ойна ҳамда бошқа маҳсулотлар ташкил этади. Ўзбекистоннинг Туркманистондан импорти эса қайта ишланган нефть, ёғ ва ўсимлик мойи, пластмасса ҳамда кимёвий маҳсулотлардан иборатдир.

Республикамиз ҳудудида туркман капитали иштирокидаги тўққизта корхона фаолият кўрсатмоқда, жумладан, уларнинг иккитаси 100 фоизлик хориж маблағи асосида ташкил этилган. Туркманистон ҳудудида эса Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил топган олтита объект иш олиб бормоқда.

Узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ва Туркманистон маданий-гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқда ва ривожлантирмоқда. Икки мамлакат маданият вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури доирасида биргаликда таниқли рассомлар асарларининг кўргазмалари ўтказилмоқда, халқ амалий санъати вакиллари ва ҳунарманд усталар ярмаркаларда қатнашмоқда, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари уюштирилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда Туркманистон рассомларининг кўргазмаси муваффақият билан ўтказилди. 2013 йил августида Туркманбоши шаҳрида иқтидорли болаларнинг "Аваза — дўстлик ўлкаси" халқаро фестивалида Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди, 2013 йилнинг сентябрида эса Хивада Республика туркман маданият маркази томонидан туркман шоири Махтумқули таваллудининг 290 йиллигига бағишлаб юбилей тадбири ташкил этилди. Туркманистон санъат усталари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиши баробарида, совринли ўринларни ҳам эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистонда миллатлараро ҳамжиҳатлик, тарихий Ватани ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган барча халқларнинг вакилларига нисбатан ҳурмат таъминланмоқдаки, бу ҳар икки мамлакатда яхши анъанага айланган. Масалан, статистик маълумотларда қайд этилишича, Ўзбекистонда қарийб 170 минг нафар туркман яшайди. Туркман миллатига мансуб 8 минг нафардан зиёд болалар туркман тили ўқитиладиган 46 та мактабда таҳсил олмоқда. 24 та мактабда эса таълим тўласинча туркман тилида олиб борилади.

Мамлакатимизда еттита туркман миллий маданий маркази иш юритмоқда. Уларнинг фаолияти эса Республика туркман маданият маркази томонидан мувофиқлаштирилиб келинади.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинаётир. 2011 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Туркманистон Миллий кутубхонаси ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми халқаро китоб алмашуви бўйича алоқаларни кучайтириш, замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ҳамда амалиётда қўллаш, шунингдек, ўзаро тажриба ва илмий ишланмаларни алмашишда янги имкониятларни яратди.

Икки мамлакат халқлари ўртасида тарихан қарор топган дўстона алоқалар замирини маданиятлар муштараклиги, бир-бирини тўғри тушуниш ва ўзаро ишонч ташкил этади. Ана шундай омилларнинг мавжудлиги боис Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчлик таъминланмоқда.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий ташрифи икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга янги туртки беради.

**«Жаҳон» АА.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси доирасида «Йилнинг энг яхши китоби» бешинчи республика танлови бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар,ноширлик ва матбаа соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, журналистлар иштирок этди. Танловда турли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

● *Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги "Agro Food — 2013" халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Маҳаллий фермерлар, асаларичилар, гулчилар, агрофирмалар раҳбарлари, шунингдек, бир қатор хорижий давлатлардан тадбиркорлар қатнашган мазкур тадбир доирасида маҳаллий ва халқаро ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.*

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган "Ҳуқуқий маслаҳат куни" тадбири бўлиб ўтди. Унда адлия, прокуратура, ички ишлар тизими ходимлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида ўтказилган Асосий Қонунимиз, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларига оид қизиқарли савол-жавоблар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

● *Нукус шаҳрида муқобил энергия манбалари, минтақада қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш ва бу борада мавжуд имкониятларга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда иштирок этган фермер ва тадбиркорлар қайта тикланадиган энергия манбаларининг турлари, уларнинг ишлаш принципи ва фойдаланишдаги афзалликлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.*

● Қарши шаҳрида "Суғориладиган ерларни лазерли технологиялар ёрдамида текислаш" мавзуида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш" лойиҳаси ва Глобал экологик жамғармасининг кичик грантлар дастури ҳамкорлигида ташкил қилинган семинарда соҳа вакиллари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди. Семинарнинг амалий қисми Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг Қарши туманидаги тажриба майдонида ўтказилиб, лазерли қурилманинг ишлаш жараёни намойиш қилинди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Тошкентда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми доирасида "Ижтимоий-гуманитар ривожланиш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЎзННТМА, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Ф. Эберт номидаги фонд, БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази (АҚШ) кўмагида ташкил этилди.*

АНЖУМАН

Конференция ишида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралари мутахассислари, парламент қуйи палатаси депутатлари, шунингдек, БМТ, USAID, Европа Иттифоқи ва бир қатор хорижий мамлакатлардан экспертлар қатнашди.

Анжуманда тажриба алмашиш, фуқаролик жамияти ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикрлашиш, ривожланган демократик мамлакатлар амалиётидан мақбулини қабул қилиш мақсадини кўзлаган ўзаро манфаатли амалий мулоқот бўлиб ўтди. Хорижлик экспертлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон тажрибасига катта қизиқиш билдириб, бунда давлатимиз раҳбарининг кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ташаббусларини алоҳида эътироф этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистон мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича ўз йўлини танлаб, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқига муносиб турмуш шароитларини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни таъминлашни мақсад қилиб, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини белгилаб олди. Кенг миқёсли демократик янгиланишлар натижасида инсон ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланган, унинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилган фуқаролик жамияти шакллантирилди. Ўтган йиллар кўп тармоқли фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланиш, улар фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси шакллантирилган даври бўлди.

Ушбу йўналишда юртимизда олиб борилаётган ишларнинг мақсади, вазифаси, мазмун ва моҳиятини аниқлаб берган асос мамлакатимиз Конституциясидир. Унда белгиланганидек, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилган 200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, уларнинг саъй-ҳаракатларини ва ресурсларини мамлакат учун ижтимоий аҳамиятга эга вазифалар ижросига йўналтиришда ҳуқуқий майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

2008 йилда парламент палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилиниши фуқаролик институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосини яратди. Парламент ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. 2008 — 2013 йиллар мобайнида фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан Жамоат фондига 28,8 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағларни грант танловлари ўтказиш, субсидия ажратиш ҳамда ижтимоий буюртмалар эълон қилиш орқали тақсимлаш механизми йўлга қўйилди. Айнан шундай қўллаб-қувватлаш асосида бугунги кунда кўплаб ижобий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланаётган фуқаролик институтлари томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш соҳаларида юзлаб ташаббуслар рўёбга чиқарилди. Давлат дастурларини амалга оширишда қатнашаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони сўнгги йилларда икки баравар ортди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши билан фуқаролик институтлари ривожида янги босқич бошланди. Конференцияда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари мазкур дастуриламал ҳужжатда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Концепция ижросини таъминлаш мақсадида мамлакат парламенти томонидан 30 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Яқин кунларда сенаторлар атроф-муҳит муҳофазасининг долзарб масалаларини ҳал этишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини кўзда тутадиган ҳамда парламент қуйи палатаси томонидан қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқишади.

Анжуманда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири эканлиги қайд этилди. Хорижлик иштирокчилар ўз чиқишларида бу вазифа кўплаб давлатлар учун долзарблигини айтиб ўтишди. Зеро, фуқаролик ташаббуслари негизида, аввало, янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, қонунчиликни билиш акс этади. Шу боисдан анжуманда хорижда қўлланилаётган ҳуқуқий таълимнинг турли механизмлари кўриб чиқилиб, мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси ҳақида ахборот берилди. Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, ҳозирги кунда республикамизда Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Шак-шубҳасиз, бунда фуқаролик жамияти институтларига катта ўрин ажратилади.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида сўнгги уч йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 22 фоиз кўпайди. Бугунги кунда уларнинг сони олти мингтадан ошади. Хорижлик экспертлар қайд этганидек, тарихан қисқа — мустақил тараққиётнинг 22 йили давомида Ўзбекистон турли фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиб бера олди. Улар бугун давлат қурилишига ўз ҳиссасини баҳоли қудрат қўшиб келмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик назоратининг амалий институти, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотнинг ўзига хос воситасига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, муҳокамалар чоғида таъкидланганидек, сон кўрсаткичи асосий мақсад эмас. Гап сифат ҳақида, яъни фуқаролик жамияти институтларининг муҳим давлат дастурларида фаол ва самарали иштирок этиши, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларнинг ҳал этилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимой шерикликни мустаҳкамлаши хусусида бормоқда. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки бунга яққол мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, Концепция ижроси доирасида ишлаб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари бўйича 40 та жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди. Уларда фуқаролик жамияти институтларининг икки минг нафардан зиёд вакиллари қатнашди. Ана шундай қонун лойиҳаларидан бири, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим қилинди. Ушбу ҳужжат бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролардан 3 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди.

Халқаро конференцияда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини бундан-да кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросида уларнинг фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий ривожланиши ва самарадорлиги юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш йўналишлари кўриб чиқилди. Конференция ишида Франция, Германия, Бельгия, Япония ва бошқа мамлакатларда фуқаролик жамиятини шакллантириш тажрибаси ҳақида ҳам маърузалар тингланди.

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**Фирюза КУБАРЕВА,**
**Динара ЧИРКОВА.**

## Сўз — конференция иштирокчиларига:



**Я. СИЛЛЕРС,**
**БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари:**

— Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши билан Ўзбекистонда учта сектор — давлат, жамият ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар шаклланмоқда. Юртингиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат қурилиши, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келаяпти. Давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлиги аҳоли турли қатламлари билан ҳокимият органлари ўртасидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



**П. ШАБАЛЬ,**
**Гавр шаҳри университети профессори (Франция):**

— Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш асосида иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиб берилганига ишонч ҳосил қилдим. Юртингизда фаолият кўрсатаётган ННТнинг кўп тармоқли, ранг-баранг эканлиги ҳайратимни оширди. Бугун улар аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламлари ижтимоий муҳофазаси, вояга етаётган ёш авлод таълим-тарбияси каби соҳаларда ишламоқда. Бундай ташкилотлар мамлакатнинг энг чекка ҳудудларида ҳам мавжуд экан. Шунинг ўзиёқ кўп нарсани англатади.



**Н. БОРЖЕЛЛИ,**
**Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази вице-президенти (АҚШ):**

— "Учинчи сектор" давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда пухта ҳуқуқий базанинг мавжудлиги, жамоатчилик ташкилотларининг етарли сони ҳамда уларнинг сифатли фаолияти, шунингдек, давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистонда юқорида тилга олинган барча йўналишлардаги ишлар муваффақиятли рўёбга чиқарилаяпти. Бугунги кунда мамлакатингизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси синови бўйича ноёб эксперимент ўтказилмоқда. Мазкур жараён ОАВ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, қолаверса, аҳолига ҳокимият фаолиятига оид ахборотлардан бохабар бўлишда янги имкониятларни беради.



**В. ПЕТКОВИЧ,**
**"Про-арт" нодавлат нотижорат ташкилоти директори (Буюк Британия):**

— Ўзбекистонда фуқаролик жамияти равнақи учун қулай ва фаол муҳит мавжудлиги бу борадаги барқарор юксалишни жадал давом эттириш имконини бермоқда. Бу эса аҳолининг фуқаролик позицияси янада мустаҳкамланишини таъминлаяпти. Мен юртимда маданият соҳасида фаолият юритаман. Бизда ҳам нотижорат, хайрия ташкилотлари, жамоатчилик фондлари бор. Улар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга интиладилар. Биз ННТда болалар ва ёши катталарни ўқитамиз, турли семинарлар ўтказамиз, музей ҳамда театрларга бепул экскурсиялар уюштирамиз. Шу аснода аҳолининг маданият ва илм-фан ютуқлари билан яқиндан ва чуқур танишиши учун астойдил ҳаракат қиламиз. Мазкур халқаро конференцияда ҳамфикрларимни учратганимдан хурсандман. Бу мен учун жуда фойдалидир.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, йирик агентлик ва компаниялар, тадқиқот марказлари вакиллари, мутахассис ва экспертларни — Форумнинг мазкур йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчиларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва қутлаш, ҳаммангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни билдириш биз учун катта шарафдир.

Мен Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао жанобларига Форум йиғилишида шахсан иштирок этаётгани, «Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси»ни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси, Осиё тараққиёт банки ва унинг тузилмалари томонидан қуёш энергетикасидан фойдаланиш ва уни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш соҳасида кўрсатилаётган беқиёс ёрдам учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Форум мажлисида иштирок этаётган Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро марказлар ва тузилмалар вакилларига, мазкур анжуманга катта қизиқиш билдирган барча меҳмонларимизга самимий ташаккур изҳор этаман.

«Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги мазкур йиғилиш учун таклиф этилган кун тартибини, биринчи навбатда, «Қуёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истиқболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб давлатлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Маълумки, цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хом ашёси бўлган углеводород захираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефть ва газ захираларига эга бўлиш чексиз даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган энг муҳим омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтда углеводород хом ашёсини қазиб олиш борасида юз берган, «сланец инқилоби» деб аталаётган янги босқич эртага баъзи қитъалар, мамлакат ва ҳудудларнинг энергетика бозоридаги ҳамда жаҳон майдонидаги кучларнинг геосиёсий жойлашувидаги ўрни ва ролини ўзгартирадиган жиддий омилга айланиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Бироқ бундай ўзгаришлар қайта тикланадиган энергия манбаларига, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган, йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжни ҳеч қачон сусайтира олмайди.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги фактга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истиқболли таркибий қисми бўлган қуёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли кўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда.

Ана шу 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард долларни, жумладан, фақат 2012 йилнинг ўзида 143 миллиард долларни ташкил этди.

Қуёш станциялари томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган жами электр энергияси 113 миллиард киловатт-соатни, жумладан, фотоэлектр станциялар бўйича 110 миллиард киловатт-соатни ташкил этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг жадал ўсиб боришига олиб келаётган сабаблар кўп.

Биринчи навбатда, бу жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ. Яна бир сабаби шундаки, анъанавий углеводород хом ашёси бўлмиш нефть ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб бораётгани ва шу билан бирга, уларнинг захиралари камайиб кетаётгани халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Аммо шу борада ҳеч қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаётгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажакда глобал миқёсда барқарор ривожланишга хавф солаётгани билан боғлиқ.

Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларидан бири, бу, **аввало,** қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истиқболли манбаи сифатида қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтиришни янада кўпайтиришдан иборат.

**Иккинчидан,** муаммони ҳал этишда илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш ва шунингдек, қуёш электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

**Учинчидан,** бу борадаги яна бир имконият углеводород хом ашёсидан фойдаланишга асосланган анъанавий энергетика тизимига нисбатан қуёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11-12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси таннархини 8-9 центга қадар тушириш вазифаси қўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади.

Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси, унга нисбатан анъанавий имтиёз ва преференциялар қўлланмаётган бўлса-да, углеводород хом ашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр энергияси билан рақобатлаша олади.

Яна бир масала. Вақти-вақти билан такрорланаётган глобал иқтисодий инқирозлар сабабларини таҳлил қилиш асносида хулоса чиқарган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларида муайян мантиқ мавжуд. Яъни, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суръатларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Шу муносабат билан қуйидаги хулосага келиш қийин эмас. 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан бизнинг биринчи навбатда энергетика соҳасида технологик тараққиётнинг янги босқичига қанчалик тез ўтишимизга боғлиқ.

Бу ўринда сўз бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини қайта тиклашга тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири — анъанавий энергия ресурслари, авваламбор, нефть нархининг асоссиз равишда юқори бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан самарали фотоэлектр энергияси манбаларини оммавий равишда жорий этиш истиқболда нефть нархини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса ўзининг чекланган валюта захираларини углеводород хом ашёсини четдан сотиб олиш учун сарфлашга мажбур бўлаётган ривожланаётган мамлакатларни жадал тараққий эттириш борасида рағбатлантирувчи восита бўлади. **Шундай экан, қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур.**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг кўлами ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омилларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефть-газ ва бошқа хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганини таъкидлаш кифоя, деб ўйлайман.

2000 — 2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошади ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергетикаси борасидаги салоҳияти ва мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, қуйидаги фикрларни таъкидлашни истардим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра бунинг учун ғоят қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очиқ бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир.

Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-экспериментал маркази ташкил этилганидан кейин жадал ривожлана бошлади.

Бугунги йиғилиш иштирокчилари Форум дастури доирасида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт қувватга эга бўлган гелиоконцентраторли улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга.

Ўзбекистон бугунги кунда илмий-техник, эксперимент ўтказадиган кадрлар бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича катта ҳажмдаги конструкторлик ва технологик ишланмалар тўпланган.

**“Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда жорий йилда Тошкентда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли технологиялар сифатида жорий этилиши мумкин.**

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер майдони ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хом ашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Ўтган йили мамлакатимизда Жанубий Кореянинг “Неоплант” компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонасида Кореянинг “Шиндонг Энерком” компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида 2014 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, “Жиззах” махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистонда маиший ва уй-жой коммунал соҳада, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган энергия юкини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсини тежашни таъминлайди.

Мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида ҳар йили намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,5 миллион квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингдан ортиқ якка тартибдаги замонавий уй-жойлар барпо этилаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мазкур дастур доирасида биз техник жиҳатдан илғор, қуёш энергетикаси технологиялари қўлланган, юқори энергия самарадорлигига эга бўлган уй-жойларни дунёдаги, жумладан, Европа ва Осиёдаги бу соҳада энг тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оммавий равишда қуришни кўзда тутмоқдамиз.

Биз яқин йиллар мобайнида, асосан, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз. Қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни **бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.**

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мана шу муҳташам залда йиғилган сиз азизларга, сизларнинг тимсолингизда замонавий тараққиётнинг юксак ва олижаноб мақсадлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Мамлакатимизда қисқа муддат меҳмон бўлишингизга қарамасдан, ўзбекона меҳмондўстликни, халқимизнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳис этасиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши ишига муваффақият тилайман.

Қуёш энергетикаси:

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, фотоэлектрик станциялардан дастлабки босқичда юртимизнинг тоғли ва чекка қишлоқлари аҳолиси фойдаланган бўлса, кейинги босқичда у ижтимоий соҳа объектлари — қишлоқ врачлик пунктлари, таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларида татбиқ қилинди. Сўнгра пахта тозалаш заводлари ва пунктлари, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам фойдаланила бошланди. Бугунги кунга келиб эса, муқобил энергия пойтахтимиздаги корхоналарда ҳам кенг қўлланилмоқда. ОАТ “Алоқабанк” биноси ва унинг ҳудудини ёритиш мақсадида фотоэлектрик станцияси ва светодиод чироқлари ўрнатилгани, “Unitel” МЧЖ ўзининг реклама шчитларини ёритишда шундай станциялардан фойдаланиш устида иш олиб бораётгани бунга мисол бўла олади.

Соҳада бундай муваффақиятларга эришишда кўплаб олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида малакали кадрлар тайёрланаётгани, илмий ишланмалар муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, албатта. Жумладан, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси томонидан Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Фанлар академияси институтлари ва бошқа олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилгани илмий изланишларни саноат муаммолари ечимига йўналтириш, таълим ва амалиётни уйғунликда олиб бориш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан электр энергетикаси соҳасини ривожлантиришга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва ускуналарни жорий этиш ҳисобига энергетика қувватларини ошириш, унинг муқобил манбаларидан чуқурроқ фойдаланишни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган оқилона ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Конференция иштирокчилари Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институти фаолияти, Катта Қуёш печи, Самарқанд вилоятидаги 100 МВт қувватли қуёш фотоэлектрик станцияси лойиҳаси ва жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий тураржойлар билан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Ғурур билан таъкидлаш жоизки, Самарқанд қуёш фотоэлектрик станцияси Марказий Осиёда бунёд этилаётган биринчи йирик муқобил энергия иншоотидир. Соҳа мутахассисларининг узоқ изланишлари натижасида қуёш нури тик тушадиган, географик жиҳатдан жуда қулай жой танланди. Яъни Пастдарғом туманидаги “Торариқ” ҚФЙ ҳудудидан 400 гектар ер майдони ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банкининг ўзаро манфаатли бу қўшма лойиҳаси мазкур молия институтининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Унинг техник-иқтисодий асослари “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси буюртмасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг “Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа” институти томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Жами 479 мингта қуёш панели ўрнатиладиган ушбу ноёб станция ишга туширилгач, катта ҳажмда соф қуёш электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади. Пировардида йилига ўртача 40 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага чиқадиган буғ газлари 200 минг тоннага камайтирилади.

Юртимизда бундай улкан станцияларни барпо этиш кўлами бундан кейин ҳам тобора кенгайиб бораверади. Сабаби, дастлабки таҳлиллар Кармана, Ғузор, Шеробод, Поп ва Паркент туманларида ҳам ана шундай иншоотларни ишга тушириш учун табиий имконият мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунга мувофиқ, ушбу ҳудудларда махсус тадқиқот ва ўлчаш ишлари жадал давом эттирилаётгани Ўзбекистон қуёш энергияси соҳасида янада залворли ютуқларни қўл киритишидан далолатдир.

Анжуманда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао, Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазирининг биринчи ўринбосари Хан Чжин Хён ва бошқалар Ўзбекистонда мазкур соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳоладилар.



Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши ялпи мажлисида сўзга чиққан Халқаро қуёш энергияси институтининг директори Алим Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Саъдулла Лутфуллаев ва бошқалар Ўзбекистон олимларининг муқобил энергия манбаларини, шу жумладан, қуёш энергиясини ривожлантириш соҳасидаги катта ютуқлари ва ноёб ишланмаларини қайд этди.

Халқаро экспертлар қуёш энергеткасини ривожлантириш истиқболлари ва ушбу соҳадаги технологияларни тараққий эттириш борасидаги сўнгги тенденциялар ҳақида атрофлича сўз юритди. Жумладан, фотоэлектрик технологияларни ривожлантириш тенденциялари, интеграция ва таҳдидлар масалалари, қуёш иссиқлик энергиясининг истиқболлари, Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Форумда Ўзбекистоннинг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, ноанъанавий усулда электр энергияси ҳосил қилувчи қурилмалар ишлаб чиқариш, уларни амалиётга татбиқ этиш борасида кўп йиллик тажрибага, юксак илмий-техник салоҳиятга эга эканлиги эътироф этилиб, бу минтақа мамлакатлари учун мустаҳкам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги айтиб ўтилди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Сарвар ЎРМОНОВ ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАКЕХИКО НАКАОНИНГ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Жаноблари!
Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Осиё тараққиёт банки, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши иштирокчилари номидан Ўзбекистон раҳбариятига ушбу тадбирнинг юксак савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар. Шуни таъкидлаш керакки, бундай нуфузли анжуман Марказий Осиёда илк бор ўтказилмоқда.

Ўзининг буюк мутафаккирлари, қадимий тарихи ва бой маданияти билан дунёга машҳур Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан ғоят мамнунман. 2010 йилда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси ҳам Тошкентда ўтказилган эди. Айнан шу мажлисда Ўзбекистон ва ОТБнинг қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича яқин ҳамкорлигига асос солинганди. Бугунги мажлис эса ушбу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа вақт давомида қўлга киритган улкан ютуқ ва марралари мени ғоят ҳайратга солди. Бу, шубҳасиз, мамлакат раҳбариятининг хизматлари самарасидир. Президент Ислом Каримов ва мамлакатингиз ҳукуматини Ўзбекистон халқининг ҳаёт даражасини юксалтириш йўлидаги машаққатли меҳнати ўзининг улкан самараларини бераётгани билан табриклайман.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари дунёдаги кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги кўрсаткичлардан юқори бўлмоқда. Мамлакатингизнинг кучли солиқ-бюджет сиёсати ва ташқи қарзининг камлиги мустаҳкам макроиқтисодий асос яратилганидан далолат беради. Бу Ўзбекистонга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, инвестицияларни фаол жалб қилиш имконини бермоқда. Бу инвестициялар, айни пайтда, саноат секторини модернизация қилиш ва кенгайтириш, асосий ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилда жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 14 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини ташкил қилди. Бу эса тараққиётнинг «ўзбек модели» муваффақияти, макроиқтисодий ва фискаль бошқарув пухта ўйлангани ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш салмоқли натижалар бераётганининг ёрқин тасдиғидир.

Осиё тараққиёт банки олий таълим, банк сектори, капитал бозори, ахборот-коммуникация технологиялари, хусусий сектор ролини кенгайтириш ва хусусий сармояларни рағбатлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш каби алоҳида эътибор талаб қиладиган йўналишларда ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг янада диверсификация қилинган иқтисодиётга ўтиш ва ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, жадал ривожланишни давом эттириш, пировард натижада мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

ОТБ Ўзбекистоннинг фаол ҳамкори сифатида мамлакатнинг кенг кўламли масалалар бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. ОТБ томонидан Ўзбекистонга ажратилган кредитлар умумий ҳажми банкимиз мамлакатингизда фаолият кўрсатишни бошлаган 1996 йилдан буён 3,9 миллиард долларга етди. Сўнгги йилларда ОТБ ўз суверен операцияларига қўшимча равишда хусусий секторга оид янада самарали операциялар дастурини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, ҳудудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобиль йўллари ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ҳисобидан хусусий сектор улушини ошириш, Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича комплекс дастур, замонавий ҳамда самарали энергетика секторини институционал ривожлантириш ва такомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигининг самаралари Ўзбекистондан ташқарида ҳам яхши маълум. Ўзбекистон ва ОТБнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми ошди. Бунинг натижасида Мозори Шариф ва Қобул аҳолиси электр энергияси билан барқарор таъминланди. Шунингдек, трансчегаравий транспорт алоқаси кучайтирилди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Ҳайратон орқали Мозори Шарифгача темир йўл линиясини қурди.

Қуёш энергетикасини ривожлантириш ҳам ОТБ ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир.

Табиий газ, нефть ва кўмир каби анъанавий табиий ресурслар захиралари чекланган. Ушбу ресурслардан электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага заҳарли чиқиндилар, жумладан, буғ газлари чиқарилмоқда. Бу эса экологик тоза ва чексиз салоҳиятга эга қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Шу сабабли биз энергияга нисбатан тобора камайиб бораётган эҳтиёжни экологик тоза ресурслар, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлашимиз лозим. Шу муносабат билан мен Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов раҳнамолигидаги раҳбариятига энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мунтазам қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Зеро, углеводород хом ашёсига бой Ўзбекистонда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш биринчилардан бўлиб бошлангани таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати 2010 йилда ОТБнинг кредит шаклида ажратилган 350 миллион доллар ҳажмидаги кўмаги билан юқори технологияли буғ-газ турбиналарини жорий қилишга асосланган ҳолда энергия ишлаб чиқарадиган Таллимаржон иссиқлик электр станциясида лойиҳани амалга оширишга киришди. 2011 йилда ОТБ Ўзбекистонга ўз энергетика ресурсларидан янада самарали фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш учун 150 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди. Яқин вақт ичида Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуига қайта тикланадиган энергия манбалари ҳам қўшилади.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил Тошкентда ўтказилган 43-йиллик мажлисида Қуёш энергияси бўйича Осиё ташаббуси бошлангани эълон қилинган эди. Бундай баёнотни қабул қилиш учун Тошкентнинг танлангани бежиз эмас. Серқуёш Ўзбекистон кенг ҳудудга ва юқори малакали мутахассисларга эга мамлакат бўлгани боис минтақада қуёш энергетикасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон учун қуёш энергетикасини кенг кўламда ривожлантириш соф энергия билан таъминлаш, шунингдек, юқори малакали иш ўринларини ташкил қилиш, тадқиқотлар ўтказиш, қуёш энергетикасининг илғор тизимларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича технологик марказга айланиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида айнан шундай комплекс ёндашувни кўзда тутади. Биринчи йўналиш — бу техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган кенг кўламли қуёш энергетикаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. ОТБ ушбу мақсадларга эришишда техник жиҳатдан кўмаклашди ва Ўзбекистонда катта ҳажмдаги қуёш энергияси салоҳиятидан фойдаланиш имкониятига эга олтитадан зиёд участка аниқлангани қувонарли ҳолдир.

Мажлис қатнашчилари Паркент туманидаги Халқаро қуёш энергияси институтини бориб кўриш имкониятига эга бўлди. ОТБ қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича ўзининг иккинчи йўналиши доирасида ушбу институтни ташкил этишда техник ёрдам кўрсатди. Бу йўналиш тегишли илмий тадқиқотларни рағбатлантирадиган ва инсон ресурсларини ривожлантирадиган институтни ташкил қилишдан иборатдир. Мазкур институт кенгайиб, қуёш технологияси соҳасида тажриба алмашиш бўйича йирик марказга айланишига ишонамиз.

Инновацион молиялаштириш ва хусусий сектор иштироки Ўзбекистонда қуёш энергетикасини тез ва барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жараёнда хусусий секторнинг иштироки узоқ муддатли истиқболда қўшимча маблағ жалб қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича инновацион усулларни жорий этишга хизмат қилади.

Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Марказий Осиёда илк бор турли халқаро молия институтлари вакиллари, шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар делегациялари иштирок этмоқда. ОТБ 2010 йилдан буён Осиё қуёш энергияси форумини Манила, Токио, Бангкок ва Жодхпурда ўтказган. Бу учрашувлар Осиёда қуёш энергияси салоҳиятига тааллуқли зарур маълумотлар, мавжуд технологиялар, лойиҳалар қиймати ва қуёш энергетикасини ривожлантиришга қаратилган сиёсат йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди.

Форумнинг бугунги йиғилиши алоҳида аҳамиятга эга эканининг яна бир сабаби бор. Биз Ислом тараққиёт банки ва Африка тараққиёт банкини Қуёш энергияси форумида илк бор иштирок этаётгани билан табриклаймиз. Африка ҳам яқин йиллар ичида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида йирик иштирокчига айланади, деб умид қиламиз. Осиё ва Африканинг айрим минтақаларида қуёш энергетикасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Бу Осиёга ҳам, Африкага ҳам мазкур соҳада ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Президент Ислом Каримовга Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

# «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОРМИЗ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таълим муассасамиз қуёш энергетикаси жабҳасида ҳам илмий изланишлар олиб боради. Бу йўлда турли ихтиролар қилганмиз, қурилмалар яратганмиз. Анжуманда ана шу янгиликлар билан ўртоқлашаяпмиз. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бу борадаги илмий ютуқлари, тажрибаларини яқиндан ўрганаяпмиз. Бунда Фанлар академияси институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тараққий топтиришдан манфаатдормиз.

**Васим МАЛИК,**
**“Эко Энержи Рэйтинг” компаниясининг лойиҳалар бўйича директори (Буюк Британия):**

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Юртингизни бекорга серқуёш ўлка, дейишмас экан. Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бу ерда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон — қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, дунё бўйича нефть, газ, кўмир каби энергия манбалари захираси борган сари камайиб кетаётган бугунги кунда муқобил энергия манбаларига талаб ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви эса мамлакатингизда қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш имконини беради. Юртингизга бир йилда тушадиган офтоб қуввати мамлакатингизнинг энергияга бўлган эҳтиёжидан бир неча баробар кўп экани ҳам бунга далил бўла олади. Эндиги вазифа эса қуёш қувватини тўғри йўналтиришга ёрдам берадиган инфратузилмани яратиш ва янада ривожлантиришдир. Ўзбекистонга сафаримиз мобайнида шунга гувоҳ бўлдикки, бу борада бир талай ишлар амалга оширилган. “Эко-Энергия”, “Mir Solar”, “Solar Energy Products”, “Solar Plus”, “Hi-Tech Solar” каби муқобил энергия қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолияти йўлга қўйилгани давлатингиз томонидан ушбу соҳага катта эътибор қаратилаётганининг тасдиғидир. Энг муҳими, ўзбекистонликлар учун муқобил энергия манбаларини қўллаш ҳозирги кунда янгилик эмас. Ишончим комилки, яқин йиллар ичида юртингизда қуёш энергиясидан худди анъанавийлари сингари фойдаланиш одатий ҳолга айланади.

**Майкл ЧИТАМ,**
**Америка фан тараққиётига кўмаклашиш ассоциациясининг Халқаро фан ва технологиявий ҳамкорлик ташкилоти директори (АҚШ):**

— Ўзбекистон нисбатан қисқа вақт ичида муқобил энергия манбалари ишлаб чиқариш соҳасида катта ютуқларга эришибди. Биз илмий марказимизда турли соҳалар, жумладан, қуёш энергияси бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борамиз. Шунинг учун юртингиз мезбонлик қилаётган форум менда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатингизга биринчи марта келишим. Мақсадим — маҳаллий мутахассисларнинг қуёш энергиясини ишлаб чиқариш бўйича назарий ва амалий билимларини ўрганишдир. Йилига 320 кун қуёш порлайдиган юртингизда бу энергия манбаидан фойдаланиш бўйича катта имконият бор. Биз ташриф буюрган “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида муқобил энергия манбаидан саноат миқёсида фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган. Мени, айниқса, Катта Қуёш қурилмаси ҳайратга солди. Ўзбекистонлик мутахассислар ҳозир унинг ёрдамида қуёш энергиясидан турли мақсадларда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб бориляётганини айтишди. Бундай ҳажмдаги қурилма дунёда фақат иккита мамлакат — Ўзбекистон ва Францияда бор экан. Хуллас, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистондан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

**Жейн-Антоини ДЮПРАТ,**
**Сорбонна университети профессори (Франция):**

— Президент Ислом Каримовнинг Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди. Унда алоҳида таъкидланганидек, дунё бўйича энергияга бўлган талаб кун сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда унинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, мазкур жабҳани ҳар томонлама ривожлантириш иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан жуда фойдалидир. Ўзбекистонда энергетика тизимини модернизациялаш жараёнида ана шу жиҳатга эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Кейинги йилларда қуёш нуридан электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилувчи қурилма ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналар ишга туширилгани, ижтимоий соҳа объектлари, саноат корхоналарида кичик қуёш станциялари, биогаз қурилмаларидан унумли фойдаланилаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Кўп йиллардан буён юртингиз иқтисодиёти, унинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб бораман. Шу боис жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам республикангизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан тушмаётганидан хабардорман. Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича мутахассис бўлганим учунми, энг аввало, юртингиздаги қурилиш индустриясидаги ўзгаришларни ўргандим. Форум доирасида эса Самарқанд ва Тошкент вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган хусусий тураржойлар билан яқиндан танишдим. Очиғини айтсам, уларнинг зилзилабардош ва мустаҳкамлиги, замонавий дизайн асосида қурилганига қойил қолдим.





**Карстен ТОТ,**
**“Dexis Consulting Group” компанияси вакили (АҚШ):**

— Президент Ислом Каримовнинг халқаро форумдаги нутқида келтирилган факт ва рақамлардан Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари ривожланиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Юртингизда олиб борилаётган ислоҳотлар, тўпланган тажриба ва яна кўплаб истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан бошланган амалий ҳаракатлар, ўйлайманки, нуфузли анжуманнинг ҳар бир иштирокчисида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши дастури жуда кенг қамровли тузилгани, унинг доирасига бир қатор тадбирлар, учрашув ҳамда мулоқотлар киритилгани анжуман аҳамиятини янада оширди. Масалан, Самарқанд вилоятига сафар менда унутилмас таассурот қолдирди. “Афросиёб” тезюрар поездида елдек учиб борар эканмиз, ўша ондаги ҳаяжонимни дарров глобал тармоқ орқали дўстларимга етказдим: “Яна бир неча дақиқалардан сўнг афсонавий шаҳарни ўз кўзим билан кўраман” мазмунидаги хабаримга Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари акс этган суратларни илова қилдим. Бунга жавобан яқинларим менга жудаям ҳаваслари келаётганини билдиришди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг гўзал ва мафтункор шаҳарларини зиёрат қилиш — бугун кўпчиликнинг орзуси. Халқаро форум баҳонасида менда ана шу имконият пайдо бўлганидан хурсандман. Самарқандда қуёш фотоэлектрик станцияси қурилиши лойиҳасининг тақдимотида қатнашдик. 100 МВт қувватга эга бундай станциянинг барпо этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистонда гелиоэнергетикани ривожлантириш соҳасида яна бир улкан қадам бўлади.

Биз давлатингиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган тураржойларни ҳам бориб кўрдик, аҳоли вакиллари билан дилдан суҳбатлашдик. Одамларнинг кайфияти чоғ, айниқса, аёлларнинг ўзларига яратилган шарт-шароитлардан миннатдорлиги уларнинг юз-кўзидаги бахтиёрлик туйғусидан шундоққина сезилиб турибди. Эътиборимни тортган яна бир жиҳат шуки, хонадонлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланган мебель ва маиший техника воситалари билан жиҳозланган. Демак, юртингиз саноати ҳам жадал суръатларда ривожланаяпти.

Ўз тараққиёт йўлида келажак сари дадил бораётган Ўзбекистонга, унинг самимий ва меҳмондўст халқига улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Саиджон МАХСУМОВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Алишер ОТАБОЕВ ёзиб олди.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ИСЛОҲОТ

*Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Президентимизнинг "Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда, қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлиғимни бағишлашга ҳам тайёрман. Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!", деган сўзлари ҳам буни яққол тасдиқлайди.*

# Ўзбекистон ёшлари — банк тизими эътиборида

Чиндан ҳам, бугун иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини ёшларнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг куч-ғайрати ва саъй-ҳаракати билан миллий иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, жаҳонга юз тутмоқда. Бу эса ёшларга доир давлат сиёсати ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигининг ёрқин далолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам ана шу давр талабидан келиб чиқиб, навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ташаббусларини оммалаштириш, истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантиришга устувор аҳамият бераётгани ёшларнинг куч ва имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, салоҳиятларини босқичма-босқич ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркор йигит-қизларимизнинг ҳиссаси ошиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Мисол учун, давлатимиз раҳбарининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, 2010 — 2012 йилларда қарийб 100 млрд. сўмлик кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида ушбу мақсадлари учун 116,3 млрд. сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Бу борада, айниқса, Марказий банк тавсияси асосида микрокредит олиш учун коллеж битирувчисида таъминот етарли бўлмаган тақдирда, унинг яқин қариндошлари, ота-онаси, акаси ёки опасининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилгани ибратли тажрибалардан бири бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

— Биз, ёшларга катта ишонч билдирилаётганидан мамнунмиз, — дейди Қарши иқтисодиёт коллежи битирувчиси Исломбек Абдуназаров. — Чунки ишонч янги ютуқлар гаровидир. Шахсан ўзим яратилган имкониятлардан фойдаланиб, «Косон ҳамкор сервис» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. «Ипотека-банк»нинг Қашқадарё вилояти филиали томонидан ажратилган 50 млн. сўмлик кредит маблағи бу борада жуда қўл келди. Айни пайтда буюртмачиларга ойига 350-400 минг дона сифатли пишиқ ғишт етказиб беряпмиз. Соф фойда эса 3-3,5 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Косонсой саноат, транспорт ва алоқа коллежи битирувчиси Адҳам Ҳошимхонов ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ўз лойиҳаси учун сарфланадиган бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг Наманган вилояти филиалидан 3,9 млн. сўм миқдорида кредит олган эди. Шунинг ҳисобидан у кичик корхона очиб, ойига 50-100 дона сифатли дераза панжаралари, темир эшиклар, шунингдек, бошқа турдаги уй жиҳозлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Таъкидлаш керакки, республикамиздаги бир қатор касб-ҳунар коллежлари Марказий банкка бириктирилган бўлиб, улар билан самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти. Мақсад битта: у ҳам бўлса, битирувчи ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига яқиндан ёрдам бериш. Шу ниятда тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги илғор ташаббусларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга, йигит-қизлар ўртасида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, ҳақиқий тадбиркорларни топиш, уларнинг иқтидорларини юзага чиқариш учун Марказий банк томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «2012/2013 ўқув йилида республика минтақасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ва ўз бизнес-лойиҳаларини амалга ошириш учун уларга кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтиришга доир чора-тадбирлар комплекси» ишлаб чиқилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Унга кўра, "Менинг бизнес-ғоям", "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" ва "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" каби бир қатор лойиҳалар амалиётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бош прокуратура ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда аҳоли ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи юзасидан республикамизнинг барча ҳудудларида мунтазам равишда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари хусусида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин. Сабаби, ушбу тадбирларда мавжуд корхона ва ташкилотлар ўзларидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этишмоқда. Натижада Андижон вилоятининг биргина Асака туманида ташкил қилинган меҳнат ярмаркаси якунида 65 нафар йигит-қиз ишга жойлашганини айтиш кифоя.

Шу ўринда 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «BankExpo» миллий кўргазмаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Гап шундаки, ушбу тадбир банк-молия тизимида эришилган ютуқлар, истиқболдаги режалар ҳақида кенг оммани хабардор қилиш, қолаверса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизми, янги технологиялар ва кўрсатилаётган хизматлар билан яқиндан таништиришни кўзда тутади. Шу боис кўзгазмалар нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳам ташкил этилмоқда. Пировардида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи 1200 дан зиёд сертификат тақдим этилиб, уларга 92 млрд. сўмдан ортиқ сармоя ажратилди. Жумладан, 713 нафар коллеж битирувчисининг қарийб 10 млрд. сўм, 293 нафар тадбиркор аёлнинг 9,7 млрд. сўм ҳажмидаги бизнес лойиҳалари имтиёзли шартлар асосида молиялаштирилди.

Қибрайлик Азимжон Усмонов ҳам шу йилнинг июнь ойида коллежни битириб, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 15 миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

— Ҳар бир ота-она фарзандининг камолини кўришни истайди. Ўғлим ўтган йили коллежни битириб, банк кўмаги билан компьютер ўқув марказини очди. Топаётган даромади кўпайиб, оиламиз бюджетига ҳам ҳисса қўшмоқда, — дейди Азимжоннинг отаси Рустам Усмонов.

Бунда, айтиш жоизки, кейинги йилларда республика банк тизими томонидан ёшларнинг бизнес-лойиҳаларини рағбатлантириш, кредит ажратиш тизимини тартибга солишга қаратилган 15 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани муҳим омил бўлмоқда.

Айни чоғда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам молия муассасаларининг диққат-эътиборида турибди. 2008 — 2012 йиллар мобайнида улар томонидан ёшларга 103 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилгани, фақат жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 47,3 млрд. сўмни ташкил этгани бунинг исботидир.

Бундай хайрли ишлар эса омманинг банк муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айтайлик, янги оила қурган ёшларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, маиший техника ва узоқ муддат фойдаланиладиган бошқа зарур буюмларни сотиб олишга мўлжалланган истеъмол кредитлари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган фоиз ставкаси бўйича уч йилгача муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда берилмоқда. Биргина 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларга 150,4 млрд. сўм миқдорида ипотека, 87,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилгани бунга мисол бўла олади.

Банклар томонидан, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида 353 та қишлоқда барча қулайликка эга бўлган 10 мингта уй-жой қуриш учун 1 триллион 385 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, оилавий бизнес ва ҳунармандчилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида эса ёш тадбиркорларга 126 миллиард сўмликдан зиёд кредит берилгани фикримиз далилидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 11 мартда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга асосан, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан сармоялар ажратиш белгилангани эса қишлоқларимизнинг янада обод бўлиши, жойларда кўплаб иш ўринлари яратилишига туртки бермоқда.

Нега деганда, бу ҳужжатга мувофиқ, жамғарма кредитлари ҳисобидан олинадиган даромадлар 2011 йил 1 апрелдан 2016 йил 1 январгача фойда солиғидан озод қилингани тижорат банклари учун яна бир имконият эшигини очиб берди. У, бир томондан, Жамғарманинг сармоясини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатимиздаги олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун катта қулайликлар яратмоқда. Хусусан, қарор талабларидан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 39,6 млрд. сўмликдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилгани, мазкур жараёнда юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни, ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли кейинги ўн йил мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажми 20 баравардан зиёд ўсиб, кўплаб янги хизмат турлари татбиқ этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга ажратилган сармоялар ҳажми 34,2 фоиз ортиб, 6 трлн. 165 млрд. сўмни ташкил этди. Бу — 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўп, деганидир.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон банк тизими юртимиздаги фидойи ёш тадбиркорлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида собитқадамлик билан иш олиб бормоқда. Бундан кейин ҳам бу борада белгиланган устувор вазифалар изчил амалга оширилаверади.

**Азамат ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

*Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics" корпорацияси "Apple" (АҚШ) компаниясига 290 миллион доллар миқдорида товон пули тўлайди.*

## Ўзлаштирганликда айбланди



Калифорния суди шундай қарор чиқарди. Бунга замонавий технологияларни тайёрлашда "Samsung Electronics" асосий рақобатчисига тегишли бўлган ишланмаларни ўзлаштириб, улардан фойдалангани сабаб сифатида келтирилмоқда.

Манбага кўра, аслида АҚШ компанияси бир миллиард доллар ундириш юзасидан даъво билан мурожаат қилган. Аммо "Samsung Electronics"нинг кўп сонли апелляцияларидан сўнг жарима миқдори 290 миллион доллар қилиб белгиланди.

## Жиноят фош этилди

*Буюк Британияда камдан-кам кузатиладиган жиноят фош этилди.*

Яъни бу ерда кекса ёшдаги оила ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида уч нафар аёлни қулликда сақлагани аниқланди. Улар Малайзия, Ирландия ва Буюк Британия фуқаролари бўлиб, ертўлада яшашган. Шифокорлар озод қилинганларнинг барчаси оғир аҳволда эканини билдирган. Чунки тутқунлар турли жисмоний ва руҳий қийинчикларни бошдан ўтказишган.

Улар шунча вақт давомида нима мақсадда сақлангани ҳақида маълумотлар йўқ.

Жиноятга қўл урган оила аъзолари устидан тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

## Қон томирларини мустаҳкамлайди

*Қаҳва майда юрак қон томирларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга экан.*



Ушбу хулосага япониялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот якунида келинди. Лойиҳага умуман қаҳва ичмаган 27 нафар одам жалб этилди. Уларга кунига икки чашкадан қаҳва бериб борилди ва организмидаги бўлаётган ўзгаришлар кузатилди. Олинган натижалар таҳлил қилинганда, уларнинг жуда майда томирлари анча мустаҳкамланиб, қон айланиши уч баробар яхшилангани аниқланган.

## Ноёб автомобиль

*Нью-Йоркдаги "Sotheby`s" аукционида 1964 йилда ишлаб чиқарилган "Ferrari 250 LM" русумли автомобиль 14,3 миллион АҚШ долларига сотилди.*

Ушбу модель жуда кам миқдорда тайёрланган. Ўз вақтида "Йўллар хўжайини" дея эътироф қозонган мазкур автомобиль ишлаб чиқарилганига қарийб 50 йил тўлган бўлса-да, жуда яхши сақланган.

"Ferrari 250 LM" спортчилар — Фаусто Морелло ва Гильермо Ортегага тегишли бўлиб, улар 1968 йилда у билан Дайтонда ўтказилган 24 соатлик пойгада ғалаба қозонишган. Машинанинг янги эгаси ҳақида маълумот берилгани йўқ.

## "Олтин бутса"си учта бўлди

*Футбол бўйича Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси Европа чемпионатларининг энг яхши тўпурарига топшириладиган "Олтин бутса" мукофотини уч марта қўлга киритган биринчи футболчига айланди.*



У 2012/2013 йилги мавсумда Испания чемпионатида рақиблар дарвозасига 46 та гол урган. Бунгача Лионель 2009/10 ва 2011/12 йиллардаги натижалари учун ҳам мазкур унвонга сазовор бўлган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Яна бир қўшма корхона

*"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида "Hayat power cable systems" қўшма корхонаси иш бошлади. Пировардида бу ерда 150 нафардан ортиқ ёш мутахассисларнинг бандлиги таъминланди.*

ИНТИЛИШ

Корхонага Финляндия, Франция, Хитой каби давлатлардан умумий қиймати 14,5 миллион АҚШ долларига тенг замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Шунингдек, 6 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Келгусида корхона томонидан йилига 350 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан 60 фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

— Корхонамизда йилига 10 минг километр ҳажмдаги полиэтилен қопламали, юқори кучланишли кабеллар ишлаб чиқарилади, — дейди унинг директори Евгений Ерофеев. — Хорижнинг етакчи компанияларидан келтирилган технологик линиялар тўлиқ компьютерлаштирилган.

Эътиборлиси, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ўтган йиллар мобайнида 200 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚУЛАЙЛИК

*Чирчиқ шаҳридан марказий кўча бўйлаб Ғазалкент тарафга юрсангиз, йўлнинг икки тарафида бири-биридан кўркам замонавий бино ва иншоотлар қад ростлаётганига гувоҳ бўласиз.*

## Йўл инфратузилмаси ривожланмоқда

Яқинда шулардан бири — "Шуҳрат" маиший хизмат ва савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Шуҳрат Ўсаров саъй-ҳаракати билан барпо этилган бу муҳташам иншоотда 20 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминланди. Тўққизта шохобчадан иборат мазкур мажмуада озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, кенг турдаги истеъмол молларини мақбул нархларда харид қилиш ва замонавий хизматлардан фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, кимёгарлар шаҳрида жорий йилнинг ўтган даврида якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳисобига 600 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.
- Пенсия ва суғурта иши кафедраси бўйича — кафедра мудири.
- Инвестициялар кафедраси бўйича — катта ўқитувчи.

***Шу билан бирга, қуйидаги илмий ва маъмурий бошқарув лавозимларига танлов асосида ишга таклиф қилади:***

- Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари марказига: катта илмий ходим, илмий ходим.
- Ахборот-ресурс марказига: марказ бошлиғи, адабиётлар ва электрон ахборот ресурслар бўлими мудири.
- Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) ҳамда илмий ва маъмурий бошқарув лавозимларига номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари, илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтаган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилидан педагогик ҳамда илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин. Шу билан бирга, илғор хорижий университетлар ва илмий марказларда таҳсил олган ҳамда PhD ёки магистр даражасига эга бўлган номзодлар аризалари ҳам истисно равишда кўриб чиқилади.

Профессор лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича таълим тизимида танилган нуфузли дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражали, илмий унвонли, камида уч йиллик илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажли шахслар қатнашиши мумкин.

***Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:***

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- дипломлар ва аттестатлар нусхалари;
- илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
- малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

1832А/1029



● Эълон ●

*Барча юридик ва жисмоний шахслар ҳамда чет эллик инвесторлар диққатига!*

## «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти

*мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

***Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро тумани, Тўйтепа қишлоғида жойлашган, чорвани бўрдоқичиликка боқиш фермасидаги қоровулхона, айвон бинолари ва темир дарвоза.

***Бошланғич баҳоси — 60 560 210 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, «Сармижон» ҚФЙ, Гаждумак қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 220,0 кв.м.дан иборат «ЭВРИКА Н» савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 46 230 611 сўм.***

**3.** Бухоро шаҳар суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 696 848 320 сўм.***

**4.** Бухоро Суд департаменти томонидан, ФИБ Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 25 июндаги 2-882-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Яхшиева Дилором Хамраевнага тегишли, умумий ер майдони 15,86 кв.м.дан иборат бўлган, Бухоро шаҳар Карвон бозори ҳудудидаги "Г" -блок, 5-сонли савдо павильони.

***Бошланғич баҳоси — 10 438 000 сўм.***

Кўчмас мулклар 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 даги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 9 январь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

*Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:*

- юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**«Shad savdo zamin» МЧЖ, Бухоро шаҳри,**
**Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65.**

1941А/1088

*Лицензия RR-0048.*

# Маънавият ва мутолаа маданияти

*Давлатимиз томонидан ноширлик корхоналарига қатор имтиёзлар берилиб, уларда модернизациялаш ишлари амалга оширилиши натижасида чоп этилаётган китоблар сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Зеро, уларнинг бежирим муқовада, турли нуқсонлардан холи ҳолда нашр қилиниши китобхонлар эътиборини жалб этиши баробарида, аҳоли, айниқса, ёшларнинг билим ва савиясини юксалтиришга хизмат қилади.*

ТАДБИР

Пойтахтимизда "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида "Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Ўзбекистон матбуоти" III Миллий кўргазмаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ноширлик корхоналари вакиллари, ахборот-ресурс марказлари мутахассислари қатнашди.

Семинарда сўзга чиққанлар юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганини эътироф этишди. Жойларда замонавий ахборот-ресурс марказлари очилиб, уларнинг илмий, бадиий ва ўқув адабиётлари билан бойитилаётгани бунинг амалий ифодасидир. Бинобарин, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида" ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар қабул қилингани ушбу ишлар кўламини кенгайтириш баробарида, миллий ахборот-кутубхона тизимини халқаро стандартлар асосида шакллантиришга хизмат қилаётир.

Тадбир давомида мамлакатимизда ноширлик ва ахборот-кутубхона соҳасига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, ёшларда китоб мутолааси маданиятини юксалтириш, электрон китоблар бозори истиқболлари, миллий адабиётни ривожлантиришда китоб тарғиботининг ўрни каби долзарб мавзуларда фикр алмашилди.

Қизғин савол-жавобларга бой тарзда кечган семинарда аҳолининг китобга бўлган эҳтиёжи ва талабларини ўрганиш ҳамда соҳа истиқболлари юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Илҳом ЖЎРАЕВ.**

ЖАРАЁН

*Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини янада юксалтириш мақсадида ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва бошқа қулайликлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Сувсоз" давлат унитар корхонаси томонидан рўёбга чиқарилаётган ишлар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.*

# Истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш — пировард мақсад

Маълумки, аҳолини ва саноат корхоналарини ичимлик суви билан таъминлаш, уни табиий манбалардан олиш, тозалаш ва зарарсизлантириш, тегишли қувурлар ҳамда тозалаш иншоотларидан оқилона фойдаланиш таъминотни бекаму кўст олиб боришнинг кафолати ҳисобланади. Шу боис "Сувсоз" давлат унитар корхонасида ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилмоқда.

Бугунги кунда у республикамиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, 4,5 минг нафардан зиёд мутахассисдан иборат жамоа халқимизни сув билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўрмоқда. Табиий сув захиралари чекланиб, ушбу ҳаёт манбаига аҳоли эҳтиёжи кун сайин ошиб бораётган ҳозирги шароитда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада такомиллаштириш, тармоққа замонавий технология ва ускуналарни жалб қилишга катта эътибор қаратилаётгани эса, айниқса, диққатга моликдир.

Маълумки, сув таъминотини янада яхшилаш, тармоққа замонавий технологияларни жорий қилишда истеъмолчилар томонидан ишлатилган ичимлик суви ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш жуда муҳимдир. Шу боис "Сувсоз" ДУКда тўловни тизимлаштириш, уни ҳам аҳоли, ҳам корхона учун қулай қилиш мақсадида бир қанча лойиҳалар амалга оширилаётир.

— Тошкент шаҳрида ичимлик сувининг асосий истеъмолчиси пойтахт аҳолиси ҳисобланади, — дейди "Сувсоз" ДУК бошқарувчиси Илҳом Маҳкамов. — Шу боис истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириб бораяпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ичимлик суви ва оқова сув хизматидан фойдаланувчи абонентлар ҳисобини тизимлаштириш имкони юзага келди. Бу эса, ўз навбатида, турли қийинчиликларни камайтириб, ишончли маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, "Биллинг" тизими шаҳар ва ҳар бир уй бўйича абонентлар ҳамда аҳоли сонини таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса юқори даражада аниқ инвентаризация ўтказиш, шаҳар ва алоҳида абонентга нисбатан кундалик сув истеъмоли таҳлилини амалга ошириш, дебитор қарздорларни аниқлаш, тўловномаларни босма ҳолда чиқариб олиш ва уларни истеъмолчиларга тақдим этишга ёрдам беради.






"Биллинг" ёрдамида ҳужжатлар тузилиб, дебиторлик қарздорлиги юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга топширилади. Буларнинг барчаси абонентнинг вақтини ва транспорт харажатларини тежайди, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш жараёни енгиллашади.

Мазкур тизимнинг яна бир қулайлиги шундаки, истеъмолчилар Ягона республика процессинг маркази орқали он-лайн тартибида тўловларни амалга оширишлари мумкин. "Биллинг" тизими жорий қилиниши туфайли ҳисобдорликни юритиш енгиллашди, абонентлардан пул маблағи тушуми кўпайди, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Шунингдек, истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида корхона томонидан кўп қаватли уйларда ва хусусий хонадонларда истиқомат қилувчи аҳолини хабардор қилиш мақсадида "Call center" (телефон рақами: 150-69-66) тизими жорий қилинган. Абонентларга қўнғироқ қилиш орқали ичимлик сувидан, канализациядан фойдаланиш хизматлари учун ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилиши, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигига, шунингдек, ҳисоб юритиш асбоблари кўрсаткичларига ишлов бериш тўғри амалга оширилаётгани кузатилади. Истеъмолчи эса ўз қарздорлиги, тўлов тўғри ҳисоблангани ва келиб тушгани ҳақида маълумот олиши мумкин. Ушбу тизим ёрдамида истеъмолчи совуқ сувдан фойдаланиш ҳисоблагичи муддати тугаганлиги ҳақида (давлат текшируви) автоматлаштирилган ҳолда хабардор қилинади.

"Call center"дан ташқари абонентлар билан suvsoz.uz веб-сайти ва диспетчерлик хизмати (телефон рақами 1054) орқали ҳам интерфаол алоқа ўрнатилади.

Реклама ўрнида

Ушбу хизматларга турли буюртмалар, масалан, марказий магистраль линияларда аниқланган авариялар, совуқ сувнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар қабул қилинади. Веб-саҳифа орқали истеъмолчилар соҳага оид барча меъёрий ҳужжатлар билан танишиши, хизматлар тарифлари ҳақида маълумот олиши, мўлжалланаётган профилактика ишлари, соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиши ва ўз мурожаатини қолдириши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, абонентларга қулайлик яратиш мақсадида ҳозирги пайтда Ягона республика процессинг маркази ва "Ипотека-банк" ўртасида ичимлик сувидан фойдаланганлик ва канализация хизматлари учун тўловларни қабул қилиш бўйича қўшма лойиҳа ишга туширилган. Бунда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари учун ҳақ пластик карточкалар ва нақд пул орқали қабул қилинади.

Корхона ходимларининг қайд этишича, ушбу тизимлар жорий қилиниши натижасида ичимлик сувидан хўжасизларча фойдаланиш устидан назорат кучайтирилди.

Дарҳақиқат, ичимлик суви ресурслари чексиз эмас, ундан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш зарур. Йўлакларга, экинларга, томорқаларга сув қуйишда ичимлик сувининг самарасиз йўқотилишига барҳам бериш керак.

"Сувсоз" ДУК ходимлари барча фуқароларни ичимлик сувидан фойдаланганлик ва канализация хизматлари учун ҳақни ўз вақтида тўлашга, қарздорликка йўл қўймасликка чақиради. Зеро, бундай ишларнинг кечиктирилиши корхона молиявий ҳолатига, истеъмолчилар билан муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтганда, "Сувсоз" ДУК учун аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда хизматлар сифатини ошириш пировард мақсаддир. Бунда, шак-шубҳасиз, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш устувор бўлиб қолаверади.

**У. АЗИЗОВ тайёрлади.**


● Реклама ва эълонлар ●

XALQ BANKI Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки

қурилиш ишлари бўйича мутахассисларни ишга таклиф этади.

**Талабгорлар олий маълумот ва камида 5 йиллик иш стажига эга бўлишлари шарт.**

***Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:***
**100096, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй, Давлат-тижорат Халқ банки.**
**Телефонлар: (+99871) 150-13-05, 278-05-60. Факс: (+99871) 150-13-05. E-mail: t.boltaev@xb.uz**

**Барча маълумот ва таклифлар Давлат-тижорат Халқ банкининг юқорида келтирилган манзилига тақдим этилиши лозим.**

1942А/235

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 26 декабрь ва 2014 йил 2, 9, 16, 23 январь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «FARG`ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри | Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш | 100% | 59 154 993 600,0 | 29 003 232,79 |
| 2. | «ASAKA MAK» МЧЖ | Андижон вилояти, Асака шаҳри | Макарон ва макарон маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш | 100% | 4 461 829 000,0 | 2 301 572,78 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Очиқ аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:*

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортидан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдаган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган «Farg`ona kimyo zavodi» МЧЖ улуши бошланғич нархининг 2 фоизи миқдоридаги ҳамда «Asaka mak« МЧЖ улуши бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдолари белгиланган савдо кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.**
**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

1939А/1084

***Гувоҳнома № 005357.***

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 26 декабрь ва 2014 йил 2, 9, 16, 23 январь кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | ПВХ ва полиэтилендан фитинглар тайёрлаш, пластмассадан буюмлар ишлаб чиқариш, полимерлардан қадоқлаш буюмлари ишлаб чиқариш, иккиламчи хом ашёларни йиғиш ва қайта ишлаш | 100% | 3 168 645 000,0 | 1 553 561,97 |
| 2. | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Саноат ва халқ истеъмол, қурилиш хом ашёларини, қурилиш-пардозлаш буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш | 100% | 5 820 000 000,0 | 2 853 500,69 |
| 3. | «ASIA SOKATO» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри,Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув ва газланган ичимликлар ишлаб чиқариш | 100% | 1 472 800 000,0 | 722 102,37 |
| 4. | «VODIY MUZQAYMOGI» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ (эскимо)нинг кенг турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 100% | 1 076 709 000,0 | 527 902,04 |

**Очиқ танлов шартлари.**

Очиқ танлов ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.

*Очиқ танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:*

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдаган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ҳамда уларни тўлаш муддати, бизнес-режани ўз ичига оладиган талабгор таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 7049 2931 8001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: сотувчи (банк):**
**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй,**
**телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.**
**Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона,**
**телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

1940А/1087

***Гувоҳнома № 005357.***



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5